

Манзили:

Тошкент шаҳри .Новоий 30-уй

Тел: (97) 714-05-78; (94) 684-59-78

E-mail:audit.komil@mail.ru



NGP

AUDIT

Manzil:

Toshkent shaxri Novoiy 30-uy

Tel: (97) 714-05-78; (94) 684-59-78

E-mail: audit.komil@mail.ru

Банк: Кишлоқ қурилиш банк ТВМБ, код МФО 00987, Х/р. 20208000904368607001 СТИР: 205311743, ОКОНХ 84400  
Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2019 йил 01-апрел  
қунидаги №-00750-сонли лицензиясига эга

21.10.2020 йил

Молиявий ҳисоботдан ташқи  
Фойдаланувчиларга

Ижобий фикр билдирилган  
АУДИТОРЛИК ХУЛОСА СИ

Мен Тураев Комил Исмоилович Маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги «NEW GLOBAL PROFESSIONAL-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2019 йил 04-декабрдаги №05648-сонли малака сертификатига эга) томонидан хужалик юритувчи субъект «CHIRCHIQ QISHLOQ XO'JALIGI TEXNIKASI ZAVODI» АЖ нинг 2019 йил 01-январ кунидан 2019 йилнинг 31-декабр кунигача бўлган даври учун тайёрланган молиявий ҳисоботлари (баланс, молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи) ни мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди.

**Хужалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги.**

Хужалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрланиши ва унинг ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгар.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги.**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «CHIRCHIQ QISHLOQ XO'JALIGI TEXNIKASI ZAVODI» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот барча муҳимлик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришимизни ва ўтказишимизни тақозо этади.

Аудиторлик текширувига аудиторлик далилларни олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллар молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр.**

Бизнинг фикримизча, хужалик юритувчи субъект «CHIRCHIQ QISHLOQ XO'JALIGI TEXNIKASI ZAVODI» АЖ нинг 2019 йил 31-декабрь ҳолатида тўзилган оралик молиявий ҳисоботи барча муҳимлик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисобининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖШ «NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT»

аудиторлик ташкилоти директори:

21.10.2020 й №0158/ЖАХ



К.И.Тўраев.